



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 6 апрель, № 67 (5487)

Жума

Серқуёш Ўзбекистон ноз-неъматлари Европа матбуоти нигоҳида

Ўзбекистон мавзуга бағишланган, мамлакатимиз ҳаётининг турли қирралари қамраб олинган материаллар сўнгги вақтларда Европа оммавий ахборот воситаларида тез-тез эълон қилинмоқда. Бетақорор Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ва бой маданий мероси ҳақидаги мақолалар билан бир қаторда, мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, экспорт имконияти ва бошқа соҳалардаги ўзига хосликлар ҳам хориж нашрлари эътиборидан четда қолмаётди.

Биз ва жаҳон

Масалан, яқинда Австриянинг "Lebens Art" ва "Bio Austria" номли журналлари саҳифаларида республикамизда ишлаб чиқариладиган ҳамда Европада ҳам севиб истеъмол қилинадиган экологик тоза маҳсулотлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар чоп этилди.

"Lebens Art" журнали ижтимоий ҳаёт, энергетика, агросаноат мажмуи, куриш соҳалари билан бир қаторда, саломатлик, озик-овқат маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш, сайёҳлик, маданият соҳаларидаги замонавий тамойиллар мавзуларини ҳам атрафлича ёритишга ихтисослаштирилган.

Мазкур нашрнинг сўнгги сонларидан биринчи эълон қилинган мақолада Самарқандда қадимий тажриба асосида экологик жиҳатдан мураккаб тоза озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётгани мавзуси қамалган.

"Илгари Самарқанд ипак экспорти бўйича дунёга машҳур эди, — дея ёзилади нашрда. — Ҳозир эса ушбу

минтақадан қимматли биологик тоза маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Австриялик тадбиркорлар, жумладан, Йозеф Бернтонли билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳага ўзбекистонлик 150 та фермер жалб этилган. Айни пайтда Австрия ривожланиш агентлиги билан ҳамкорликда экологик лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, уни ҳаётга татбиқ қилиш ишлари ҳам аллақачон бошлаб юборилган.

Мақолада қайд этилишича, фойдали ва дармондориллик хусусиятларига кўра бошқа биринчи маҳсулот билан таққослаш қийин бўлган Самарқанд қурилган мевалари "REWE" дўконлари расмларидан сўнгги маҳсулотлардан сарамали фойдаланаётгани ҳам қамалган.

"Бундан ташқари, Самарқанднинг қурилган мевалари Америка Қўшма Штатлари ҳам экспорт қилинмоқда", дея ёзилади нашрда. Мақолада Австрия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири Н. Берлаковичнинг биологик тоза маҳсулот-

лар жаҳон бозоридида етакчи экспорт товарига айланиб бораётгани ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам келтирилган.

"Bio Austria" журнали эса Австрия фермерлар ташкилоти томонидан чоп этиладиган нашр ҳисобланади. Асосан, қишлоқ ҳўжалиги ва экология масалаларини ёритишга ихтисослаштирилган ушбу журналда агросаноат дунёси янгиликлари, истеъмол бозоридидаги вазият ҳамда соҳадаги янги илмий кашфиётларга кенг ўрин берилди.

Мазкур журналда ҳам Ўзбекистон экологик тоза маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида улкан салоҳиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланади. Шу билан бирга, нашрда ушбу соҳани янада ривожлантириш учун қўшма сармоявий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш зарурлиги қайд этилиб, австриялик сармоядорлар эътибори Ўзбекистон агросаноат тараққиётига қаратилади. Мақолада келтирилишича, "Самарқандда Австриядаги "Маран" компаниясининг шўъба корхоналари жойлашган. Бу ерда куёш йиллига 300 кун нур сочади. Бу эса европаларнинг ҳам биологик тоза маҳсулотларга нисбатан эҳтиёжларини тўлақонли қондириши мумкин бўлган соф меваларни қайта ишлашга кўмаклашадиган энг муҳим омилдир", дея ёзилади "Bio Austria" журналида.

«Жаҳон» АА. Вено

«Биз — бир жамоа, биз — бир оила»

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва иқтидорли йигит-қизларни кашф этиш мақсадида уюштирилган "Биз — бир жамоа, биз — бир оила" номли акция Бухоро вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Шижоатли, иқтидорли, ташаббускор

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг йирик лойиҳаларидан бири ҳисобланган мазкур тадбир ўқувчи ва талаба-ёшларда катта қизиқиш уйғотганлиги эътиборга моликдир.

Акция доирасидаги Ёшлар ташаббуслари форуми вилоят ахборот-кутубхона маркази биносида бўлиб ўтди. Унда "Келажак овози" ЕТМ лойиҳаларининг фаол иштирокчилари, олий ўқув юртлари ҳамда бошқа тегишли ташкилотларнинг раҳбар ходимлари қатнашди. Форумда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, инновацион ғоя ва ишланмалар, рационалаторлик тақлифлар, техник лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, бошловчи тадбиркорлар фаолиятини кичик бизнес ривожини ўрни сингари долзарб масалалар юзасидан фикр-муло-

ҳазалар билдирилиб, тақлифлар ўртага ташланди.

— Форум бизда катта таасирот қолдирди, — дейди Бухоро маданият коллежи ўқувчиси Насиба Закиряева. — Тадбирда замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, муқобил энергия манбаларини ҳаётга татбиқ этиш, автомобилсозлик соҳасини янада раванқ топтиришга оид ғоя ва тақлифлар билан танишиб, жуда кўп янги маълумотлар олдик.

Бухоро юридик ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида эса лойиҳа дастурини ўзини олган "Таълим ва карьера" кўргазмаси ўтказилди. Унда 209 та корхона ҳамда ташкилотнинг бўш иш ўринлари тақлиф этилиб, ёшлардан 443 нафарига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

(Давоми 2-бетда).

БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Тошкентда бешинчи халқаро инвестициявий-молиявий форум очилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Банклар ассоциацияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Media XPRIMM» (Руминия), Украина сугурта ташкилотлари лигаси, Беларусь сугуртачилар ассоциацияси кўмағида «SAIPRO» ахборот-рейтинг агентлиги томонидан ташкил этилди.

Форумда мамлакатимиз ва хорижий давлатлар вазирликлари, жамоат ташкилотлари, халқаро молия институтлари, сугурта, лизинг, аудиторлик ва инвестиция компаниялари, банклар, халқаро рейтинг агентликларининг 850 нафардан ортиқ вакили иштирок этмоқда. Тадбирда дунёнинг 30 давлатида инвестиция-молия соҳасида фаолият кўрсатаётган 75 компаниянинг 120 дан ортиқ хорижий иштирокчилари қатнашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 2011 йилнинг асосий ақунлари ва 2012 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодий ривожлантириш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланаётгани таъкидлади.

Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг энг сўнгги баҳолаш миссияси баёнотида қайд этилганидек, Ўзбекистон жадал ўсишга эришиши ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Сўнгги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача кўрсаткичдан юқоридир. Шунингдек, қатор йиллар давомида ку-

(Давоми 2-бетда).

затилаётган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларида қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш ҳам бунда муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б. Ёқубов, молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев, Марказий банк раисининг ўринбосари Ш. Хайдаров, Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи А. Абдуҳакимов, «SAIPRO» ахборот-рейтинг агентлиги бош директори Р. Жўраев ва бошқалар иштирок этишди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан "Буюк Ипак йўлида испан тили ва маданияти" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Юксак эътироф, ўзаро ҳамкорлик

Европа испан тили ўқитувчилари ассоциацияси (АЕРЕ), "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Ташқи ишлар вазирликлари, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистоннинг Испаниядаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда мамлакатимиз олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, тегишли вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус вакиллари, талаба-ёшлар қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

ЧОРАК ЯҚУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралардаги ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижалари ва истикболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йил биринчи чорагида Комплекс бўйича жами 817,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Уси суръати 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 119,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 439 миллиард сўмлик (120,9 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 72,6 миллион АҚШ доллари миқдоридан

маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 277 фоизга бажарилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари ортиги билан ўрдаланди.

Комплекс йиғилишида "Муштаҳкам оила йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш борасида олиб борилган ишлар, таълим-тарбия муассасалари билан оила институтининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлиги, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, оилада тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги доир вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — НИДЕРЛАНДИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимизда 5 апрель кунини Ўзбекистон ва Нидерландия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Нидерландия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, ёқилғи энергетика, курилиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озик-овқат, фармацевтика, кимё, транспорт ва транс-

порт коммуникациялари, электротехника, тўқимачилик каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари қатнашди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ўринбосари Ш. Тўлаганов мамлакатларимиз бир-бирини истиқболли иқтисодий ҳамкор сифатида билишини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

РАҚОБАТБАРДОШ ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

саноатимиз ривожининг муҳим ифодасидир



Юртимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланишида иқтисодий тармоқларига жалб этилаётган инвестицияларнинг аҳамияти беқиёс. Бу, ўз навбатида, замонавий ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти йўлга қўйилиши, янги маҳсулот турлари ўзлаштирилиши ҳамда аҳоли бандлиги таъминланишида муҳим омил бўлаётди.

Маҳаллийлаштириш

Бу борада Сурхондарёда амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Хусусан, ўтган йили

вилоятга 25,7 млрд. сўмлик хорижий инвестициялар тўғридан-тўғри жалб қилинган, жами

сармояларнинг 46,2 фоизи бевосита ишлаб чиқаришга йўналтирилгани бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу сый-ҳаракатлар натижасида саноат

корхоналари қуввати ошиб, соҳада 107,5 фоиз ўсишни таъминлаш имконияти яратилди. Бинобарин, 10 дан зиёд йирик корхоналар ташкил этилиб, 102 турдаги янги истеъмол молларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

КАРДИОЛОГЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Президентимизнинг 1998 йил ноябрь ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, юртимизда ихтисослаштирилган шифо масканлари ташкил этилган эди.

Тиббиёт

Мазкур муассасаларда жаҳон андозалари даражасидаги шарт-шароитлар яратилганлиги боис бугун хасталикларнинг олдини олиш ва самарали муолажа усулларини қўллашда эътиборга молик ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, айни пайтда юрак-қон томир

хасталикларини даволаш ва ташхислашнинг энг замонавий услублари амалиётга татбиқ этилиб, соҳада қатор ижобий кўрсаткичлар қўлга киритилаётганлиги бунинг тасдиғидир.

Куни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда ҳам шу хусусда сўз юритилди.

Юрак-қон томир хасталикларини ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллаш мавзусига бағишланган мазкур тадбирда юртимиз шифокорлари ҳамда хорижий кардиолог мутахассислар иштирок этишди.

Анжуманда Республика ихтисослаштирилган кардиология, жарроҳлик ва шошилинч тиббий ёрдам марказлари ҳамда Тюмень кардиология маркази етакчи олимларининг илмий маърузалари тингланди.

(Давоми 2-бетда).

Миллий автомагистралда йирик лойиҳа

Бир рақам шарҳи

Ўзбек Миллий автомагистрални модернизация қилиш лойиҳалари доирасида 2012 йилнинг ўзида 109 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш,

165 километр цемент-бетон қопламали йўللارни фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Ушбу автомагистраль нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан аҳамиятга эга. Шу боис уни модернизациялаш ишларини амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари каби халқаро молия тузилмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар томонидан 742 километрлик автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, йўл қурилиши бўйича замонавий техникалар сотиб олиш учун 1 миллиард 400 миллион АҚШ доллари яқин имтиёзли кредитлар ажратилгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

(Давоми 2-бетда).

Qishloq Qurilish Bank

Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз молия-банк тизимида олиб борилаётган ишлар ижобий баҳолалиб, эришилаётган ютуқлар халқаро миқёсда эътироф этилаётгани алоҳида таъкидланди.

Кейинги йилларда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётгани муваффақиятларнинг муҳим мезони ва мустаҳкам гарови бўлди.

Бинобарин, банк тизимини ислох этиш ва янада ривожлантириш борасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ҳам ўзининг юксак самараларини берапти. Бунга «Қишлоқ қуриш банк» очик акциядорлик тижорат банки фаолияти яққол мисол бўла олади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бундан уч йил аввал ташкил этилган мазкур молия муассасаси ўтган қисқа давр ичида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини юксалтириш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, айниқса, қишлоқлар қиёфаси ва инфратузилмасини ривожлантириш каби хайрли ишларнинг молиявий қўмақчиси сифатида аҳоли ишончини оқлади.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги «Қишлоқ қуриш банк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда аҳоли учун уй-жойлар қурилишини молиялаштириш банк зиммасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Шу мақсадда банкнинг етарли даражада ресурс базасини шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия

«Қишлоқ қуриш банк»:

МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда бошқа аниқ манбалар ҳисобида 2010 йил охиригача банк устав капитали ҳажмини 150,0 миллиард сўмга етказиш чоралари қўрилди. Бундан ташқари, қарорга биноан, Молия вазирлигининг 5 йил имтиёзли давр билан 15 йил муддатга бериладиган 170,0 миллиард сўмга мақсадли кредит линияси ажратилиши кўзда тутилган катта мадад бўлди.

Ўтган давр мобайнида банк томонидан 146,5 млрд. сўмлик эмиссия акциялари муомалага чиқарилиб, акциядорлар ўртасида тўлиқ жойлаштирилди. Пировардида банк устав капитали 171,0 млрд. сўмга етказилди.

Умуман олганда, молия муассасасининг мустаҳкам ресурс базасини шакллантириш ва барқарорлигини таъминлаш юзасидан қўрилаётган амалий чора-тадбирлар натижасида унинг умумий капитали 2012 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 216,0 млрд. сўмга, ресурс базаси эса қарийб 929,0 млрд. сўмга етказилди. Бундай юқори кўрсаткичга эришишда, айтиш мумкин,

банкка бир қатор имтиёзлар берилганлиги қўл келмоқда. Масалан, «Қишлоқ қуриш банк» фойда ва мулк солиғи, шунингдек, олиб келинадиган банк жихозлари ҳамда техникаси учун божхона тўловларидан озод этилган бўлиб, бунинг эвазига иқтисод қилинаётган маблағлар Молия вазирлигининг банк устав капиталидаги улушини кўпайтиришга йўналтириляпти. Айтилик, 2009 — 2011 йиллар

мати 1 056,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, банк томонидан уни молиялаштириш учун аҳолига қарийб 650,0 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди. 2012 йилда тақомиллаштирилган лойиҳалар асосида 8510 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, банк ҳисобидан 535,0 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилиши кўзда тутилган. 2012 йил 1 апрель ҳолатига

2015 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши молиялаштириш мақсадида Осиё тараққиёт банкидан 500,0 млн. АҚШ доллари миқдорига узоқ муддатли кредит линияси жалб этилади. Жумладан, 2012 йилда кредит линиясининг биринчи босқичи доирасида 200,0 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиши кутилмоқда.

«Қишлоқ қуриш банк» универсал банк сифатида мамла-



дифи 155,6 млрд. сўмни, банкнинг жами кредит қўйилмаларидаги улуши 17 фоизни ташкил этгани ана шундай дейишимизга асос бўла олади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари учун белгиланган иқтисодий меъёрларни бажариш, фаолиятини ижобий кўрсаткичлар билан якунлашга қаратилган саяё-ҳаракатлар иньикосидир. Айнан шу жиҳатлар банк фаолиятининг йиллик натижаларини ўрганган ташқи аудиторлик компаниялари томонидан эътироф этилиб, халқаро стандартларга мослиги тўғрисида хулосалар берилганлиги кўчонарлидир.

Банкнинг молия хизматлари бозорида тугган маъқеи ва фаолиятини таъминлаш борасида қўшимча имкониятларни вужудга келтирди. Сўнги йилларда «Қишлоқ қуриш банк» томонидан олиб борилаётган фаол инвестициявий фаолият унинг нуфузи янада ошишига хизмат қилапти. Биргина, 2011 йилда ажратилган умумий кредитларнинг 78,3 млрд. сўми ёки 11,6 фоизи инвестициявий лойиҳаларга йўналтирилган, 2012 йил биринчи чораги якунида уларнинг қол-


давомида ушбу имтиёз туфайли 6500,0 млн. сўмдан зиёд маблағлар банк капиталини оширишга йўналтирилди. Қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар барпо

кўра, уй-жойларга талабгорларнинг 216,8 млрд. сўмлик бошланғич бадал маблағлари уларнинг «Қурилишга сармоя» махсус омонат ҳисобварақлари-га жамланши таъминланди. Таъкидлаш керакки, қишлоқ

катимиз молиявий хизматлар бозоридаги маъқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида ми-жозларига самарали ва намуна-ли хизмат кўрсатиш, унинг сифатини замон талаблари да-ражасига кўтаришга астойдил интиломоқда. Бугунги кунда банкнинг жой-лардаги 42 та филиали ва 300 дан ортик шохобчалари орқали 308 миңдан зиёд юридик ва жисмоний шахслар мақомидаги ми-жозларга хизмат кўрсатиляпти. Нати-жада банкнинг соф ак-тивлари ҳажми 2012 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 1238,6 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу да-вридаги нисбатан 642,5 млрд. сўмга кўлди.

Банк кредит сиёса-ти талабларидан келиб чи-киб, асосий даромад манбаи ҳисобланган банк активлари ҳажми, таркиби ва фойдали-лигини оширишга жиддий эътибор қаратмоқда. 2012 йил 1 апрелга келиб, кредит қўйилмалари миқдори 920,6 млрд. сўмга етгани ана шундай саяё-ҳаракатлар самараси, албатта.

Банк томонидан иқтисоди-



этиш ишлари қўлами йил сайин кенгайиб борапти. На-тижада ҳар йили миңглаб қишлоқ оилалари шаҳар ша-роитидан кам бўлмаган замо-навий уйларга кўчиб ўтиша-пти. 2009 — 2011 йилларда жами 639 та қишлоқ массиви-да 15047 та уй-жой барпо этилгани бунинг яққол ис-ботидир. Эътиборлиси, қурилиш объектиларининг умумий қий-

аҳолиси турмуш шароитини ях-шилаш, уларнинг ҳаёт дара-жасини янада кўтаришга қаратил-ган лойиҳаларни молиялашти-риш учун қўшимча равишда чет эл банклари кредит линиялари ҳам жалб қилинмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасида имзоланган қарз шартнома-си ана шундай йирик лойиҳалардан биридир. Унга мувофиқ, 2011 —

Банк жамоаси иқтисодиётни тараққий эттириш, қишлоқларда бунёдкорлик ишларини жаддалаштириш, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, қисқача айтганда, халқимиз турмуш фаровон-лигини янада юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш йўлида бундан кейин ҳам гай-рат-шижоат билан меҳнат қилаверади.

Банк матбуот хизмати.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.
(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шунинг маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворнинг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Кувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.
Кувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.
2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

TRADE UZBEKISTAN MACHINERY CENTRAL ASIA chemie elastex UZCOMAK Auto Parts CAIPS miningworld

CENTRAL ASIAN INDUSTRIAL WEEK

MARKAZIY OSIYO XALQARO SANOAT HAFTALIGI

Фойдали алоқаларингизни имкон қадар кенгайтиринг! **15-17 май 2012** «Ўзэкспомарказ», Тошкент

Сизнинг таклифномангиз қуйдаги сайтда: www.industrialweek.uz • Бизга www.facebook.com/ITEUzbekistan да қўшилинг

ITE Uzbekistan 100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳқўчаси, 59-«А».
Тел.: (+998 71) 113 01 80, Факс: (+998 71) 237 22 72, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосида таклиф этади!

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг 2011 йил 23 июндаги 1-357/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, «Эски Тошкент» КФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1,0678 гектар бўлган 2-ферма бино ва иншоотлари тақроран қўйилмоқда. Ферма 26 та бино ва иншоотлардан ташкил топган.

Бошланғич баҳоси — 370 793 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 24 апрель кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган қўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 20 апрель кўни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки, ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамш к., 1-«А» уй.
Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтибиз www.1kms.uz.
Лицензия: RR-0001.

Мухтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги қўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради. Кўрсатилган хизматлар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибига эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишни қафолатаймиз.

TNK «Transneftkomplekt» компанияси «Ижевский автомобильный завод» ОАЖнинг автомобилларини тақиф этади

«ИЖ АВТО» АВТОМОБИЛЛАРИ

Иж-2717 (пикап) Иж-2715 (фургон) Иж-2104

Тел.: (+998 71) 235 93 53, (+998 97) 111 35 24, (+998 97) 102 96 00, (+998 71) 150 48 20.
E-mail: transneft66@mail.ru

TRIANGLE

Хитойдаги етакчи ишлаб чиқарувчининг Тошкентдаги омборида

АВТОШИНАЛАР

ЮК АВТОМОБИЛЛАРИ ВА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР УЧУН Улгуржи харидларга ЧЕГИРМАЛАР!

TR688 9.00R20 TRD08 12.00R20 TR657 10.00R20 TR645 315/80R22,5 TR601 295/80R22,5 TR692 385/65R22,5

Махсулот сертификатланган
Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 29-уй. Мўлжал: метроинж-Пазлатор, Бекати.
Тел.: (+998 71) 235-93-53, (+998 97) 111-35-24, (+998 97) 102-96-00.
E-mail: transneft66@mail.ru

«Ўзқишлоқхўжаликмашининг» акциядорлик лизинг компанияси жамоаси компания Сирдарё вилояти филиали директори Қайнар Боймуродовга падари бузруквори

ИСМОИЛ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» ОАЖ жамоаси «ЧорбоғГЭСқурилиш» шўба корхонаси бош муҳандиси Анорбек Воҳобовга падари бузруквори

Алаш ота ВОҲОБОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси талабалар тураржойи муdiri Маҳмуд Солихонвга опаси

Холидахон ЛАТИПОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Навоий вилояти деганда, бу гўзал воҳанинг бетакрор табиати, чексиз чўл ва далалар, бепоён яйловлар билан бирга, улкан sanoat минтақаси кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Ислом КАРИМОВ.

Водийларнинг яёв кезганда...

“Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп”, деганларидек, мамлакатимиз тараққиётида ҳар бир ҳудуд, ҳар бир воҳанинг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан,

Навоий вилояти

нафақат деҳқончилик ва чорвачилик, аини вақтда sanoat, кон-металлургия, хизмат кўрсатиш, маданият ва маърифат соҳаларидаги ютуқлари билан республикаимиз ривожига салмоқли улуш қўшиб келмоқда.

Бугунги саҳифамиз буюк шоиримиз, ҳазрат НАВОИЙ номини шарафлаб келаётган вилоят, унинг кўнгли очик, заҳматқаш, саховатли инсонлари ҳақида.

да оксидли рудани қайта ишлаган бўлса, 2001 йилдан бошлаб “Даугиштау” конидан қазиб олинаётган сульфидли рудани қайта ишлаш жараёнида замонавий илгор технологиялардан самарали фойдаланиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳудудда экологик ҳавфсизлики таъминлаш билан

ДУНЁ БОЗОРИДА ЎРНИМИЗ БОР

Республика Вазиirlар Маҳкамасининг “1992 — 1995 йилларда Зарафшон — Учқудук минтақасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантириш ва Навоий кон-металлургия комбинати корхоналарининг ишини барқарорлаштириш таъминлаш тadbирлари ҳақида”ги қарори асосида 1995 йил 14 июнь куни бизнинг 3-Гидрометаллургия заводимиз ишга тушган эди.

бирга, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ҳам оширди. 2005 йилнинг 12 апрелидан бошлаб эса “Кўкпатас” ва “Даугиштау” конларидан қазиб олинаётган сульфидли рудани қайта ишлайдиган комплекс куриш ишлари бошланди. Унинг биринчи навбати 2008 йилда, иккинчи навбати 2011 йилнинг май ойида фаолият бошлади.

Ўшанда муҳтарам Президентимизнинг “Бу кун ҳеч бир муболағасиз мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш тарихида, унинг иқтисодий потенциалини ошириш ва дунё бозоридagi ўз ўрнини барқарорлаштиришда алоҳида муҳим ўрин тутди”, деган сўзларини хали-ҳануз фахрур ифтихор билан эслаймиз. Шунга муносиб бўлишга интиламиз.

Корхонамизда меҳнат қилаётган ҳар бир ходим ўзини Ватан ва халқ тақдирига ҳақдор деб билади.

Жамоамизнинг 64 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. 20 дан ортиқ миллат вакиллари ахил ва иноқ, елкама-елка туриб, меҳнат қилишмоқда. Ўтган йилги олий ўқув юртлиари йўлланмаси билан 43 нафар ёш мутахассисни сафимизга қабул қилдик. 52 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси ҳам эртанги ўринбосарлар сифатида корхонамизда ишламоқда.

Жамоамиз 1995 — 2001 йиллар мобайнида дунё металлургия sanoatида қабул қилинган технология асоси-

Бизнинг асосий мақсадимиз корхонамиз қувватини янада ошириш орқали жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳиссамизни қўшишдан иборатдир.

Неъматулло АХАТОВ, Навоий кон-металлургия комбинати 3-Гидрометаллургия заводи директори, «Шўхрат» медали соҳибиди.

МАКТАБ ҲАМ ДАРЁГА ЎХШАЙДИ

Ишни “Иқтидорли болалар курси”ни ташкил этишдан бошлаган эдик. Уч йил давомида асосий эътиборимизни ўқитувчи кадрлар салоҳиятини ошириш, мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳар бир ўқувчини яқиндан ўрганиб, иқтидорини тўғри йўналтириш каби устувор масалаларга қаратдик. Бу ўз натижасини берди: 2008 йили ўқув даргоҳимиз расман итхтислаштирилган давлат умумтаълим мактаби макомига сазовор бўлди.

Мактаб методика кенгаши билан бамаслаштак Иқтидорли ўқитувчилар уюшмасини ташкил этганмиз. Уюшмага махсус танловда голиб чиққан, ўз фанининг чинакам билимдон бўлган фидойи ўқитувчилар билан бир қаторда, бир неча йилдири, биз билан ҳамкорликда фаолият юритаётган Навоий давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари, академик лицей ўқитувчилари ҳам бирлашгани диққатга сазовордир.

“Очиқ эшиклар куни” тadbирлари ҳамда турли мутахассислик қўргазмалари оғиб боради. Шу тарихда битирувчилар келгудай ўзлари танлаган, тахсил оломоқчи бўлган коллеж ёки лицейлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиб борадилар.

Ҳаётни гоҳида сокин, гоҳида жўшқин оқётган дарёга қиёслаган Дарё оқар экан, не-не манзилларга обихаёт элтиб, яшилликка буркайди. Эртани таъминлайди. Мактаб ҳам шундай: ҳаётнинг сирини синоатидан бехабар бир гўдакнинг қўлидан тутадую уни илмлар оламига, ёрқин келажакка етаклайди. Устоз эса бу жараёнинг юрт учун қай даражада аҳамиятли эканлигини англай билган ва ўзини бу эзгу ишга бахшида этган мукарам зотдир. Жамоамиз аъзолари зиммаларидаги ана шу масъулиятни ҳар доим чуқур ҳис этиб, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Гулнора ЖУМАНИЁЗОВА, Навоий шаҳридаги 11-иқтислаштирилган умумтаълим мактаби директори.

Донишмандлардан бири: “Сахро одамларини унинг кенгликлари боқадди”, деган экан. Чиндан ҳам, бепоён Қизилқумнинг ҳар бир қарич ери — мўъжизалар макони. Қорақўлчилик, ҳеч шубҳасиз, шулардан бири.

БЕБАҲО ҲАЗИНА


Томди, Кони-мех, Нурота, Учқудук туманларининг киш аёзларига, ёз жазираларига дош бериб, матонат кўрсатаётган чўпонлари етиштираётган шеврози, сур, оломс тусли, зармалла ранг, қора навли қорақўл терилари дунё бозорларини забт этиб, не-не қалбларни ҳайрат ва ҳаяжонга солаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

— Наслчилик бўйича изланишларимиз ўз самарасини бермоқда, — дейди Кони-мех туманидаги Абай номи ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалик ходими Мустафо Эгамқулов. — Ўтган йили ўтказилган қатор аукционларда наслли кўчқорларимизнинг териси, иссиқ-совуққа чидамлилиги юқори баҳоланди.

...Қизилқумда қорақўлчилик бўйича ўзига хос мактаб яратган хўжаликлар оз эмас. Чунончи, Томди туманидаги “Керизбулок”, “Томди”, Кони-мехдаги Абай номи, Нуротадаги “Нурота”, “Қизилча”, Учқудукдаги “Жузқудук” ширкат хўжаликлари чорвадорлари саҳронинг мураккаб иқлим шароитини мардондор энгиб, кўкламни беталфот қарши олдлар.

Сахрода ким билан учрашманг, гапни, энг аввало, одатий нарх-навога ёки об-ҳавога эмас, балки қорақўлчиликка буради. Боиси, бу кенгликларнинг асосий бойликларидан бири — қорақўлчилик. Одамлар бу кўй зотини “Чўлда юмалаб юрган олтин”, дейишлари бежиз эмас-да...

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ.



ҚИЗИЛҚУМ КЕНГЛИКЛАРИДА

Навоий номи билан аталган, истиклол шарофати туфайли кун сайин чирой очаётган шаҳар сахро денгизига яшнаб турган нилуфарга ўхшайди.

Қизилқумнинг табиати, айниқса, бой ва ранг-баранг. Бу ерда тупроқли, лойли тепаликларга эга текисликлар, ойнадек сипсиллик ва метиндек қаттиқ тақирлар, унча баланд бўлмаган қояли тоғлар, минерал манбалар, саксон вулворлар, ёши миллиард ва ундан катта бўлган тор жинслари кўплаб учрайди. Шунингдек, бу замин сахро кўллари, конлари, ҳайвонот дунёси билан ҳам машхур.

Марказий Қизилқумда, Мингбулок қишлоғидан 30 километр нарида жойлашган Жарақудук дараси — очик осмон остидаги пале-

дея таъриф берилган саҳрода бугун ҳаёт кайнамоқда. Қалбларида яратувчанлик, бунёдкорлик ҳисси жўш урган матонатли за-

фор, мрамарнинг ноёб рангли турлари мажҳуд. Заргарлик манбаи — қимматбаҳо тошлар ҳам оз эмас.

Қизилқумнинг жануби-шарқий томонидаги Айдарқўл ўз гўзаллиги, таровати билан ҳар қандай табиат шайдосини мафтун этади. Синтобсой, Сармиш, Кўксарой даралари эса она-табиатимиз дурдоналаридан.

Сахро кенгликларидagi Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган бебаҳо ўсимлик ва ҳайвонот турлари бор.

Қизилқумда маъданли сувлар, шифобахш булоқлар ҳам кўп. Булоқлар сувидан эса кўпгина касал-

Бетакрор табиат

онтологик музей ҳисобланади. Илмий фаразларга кўра, 95 миллион йил аввал бу ерда чинор (платан) ва куруққулоқ (папоротник)ларнинг вертикал ҳолатидаги тошларга айланган натижасида “Тош ўрмон” юзага келган.

Бир вақтлар афсона ва эртакларда “Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди”,

мондошларимиз чўлнинг янги-янги имкониятларини очиб, бойликларини кашф этиб, бу ерни обод ва фурсункор манзилга айлантирмоқдалар.

Қизилқумнинг ер ости бойликларини ноёб хазинага менгзаш мумкин. Сахро ўзининг олтини ва бошқа нодир металлари билан ҳам аҳамиятли. Бу ерда фос-

ҳатто, энгил машина учун гараж ҳам қурилган кишлоқ меҳнаткашларига, айниқса, манзур бўлмоқда.

— Янги уй қалитини ўтган йили олганмиз, — дейди “Ҳазора” массивида яшайдиган фермер Аваз Амонов.

қатор-икки қатор қилиб сабзи, пиёз, картошка ва ошқўнғича экиб қўйибмиз. Ахир қозонга тушадиган нарсаларни ўз чорбоғингда ўз кўлларинг билан етиштириганимга не етсин!

Карманалиқлар “Ҳазора” мавзеини яхши били-

кўз кўйгандек ярашиб турибди.

— Шуниси эътиборлики, — дейди “Маликработ курилиш монтаж” МЧЖ раиси Гулнора Шодиева, — янги уй-жой, маданий-маиший биноларни куришда, асосан, ўзимизда маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилаётган курилиш материалларидан фойдаландик. Бу эса иморатларни тез ва сифатли куриб, фойдаланишга топириш имконини берди. Таннархи ҳам, табиийки, арзонлашди.

Президентимизнинг 2012 йил 14 январдаги “2012 йилда кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар буйича яқна тартибдаги уй-жойларни куриш Дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда жорий йилда 500 та уй-жой курилиши режалаштирилган.

А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бунёдкорлик

— Шундай шоҳона уйларнинг лойиҳасини тузганларга раҳмат! Қошонамизнинг чиройига, қулайлигига гап йў! Меҳмонхонаю ошхонасини айтмайқизми?! Газ, иссиқ сув ва совуқ сув — ҳаммаси муҳайё. Ховли бўлди. Янги уйларнинг кенг ва ёруғлиги, болалар учун алоҳида хоналар ажратилганиги, ёз кунлари бутун оила аъзолари жамулжам бўлиб, ҳордик чиқаришига мўлжалланган шинам айвони борлиги,

шадди. Авваллари чўлу биёбондан иборат бу даҳа янги уй-жойлар курилиб, ишга туширилиши билан бутунлай янгича қиёфа касб этди. Гузардаги мўъжаз бозорча, новвойхона, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, минимаркет, ҳаммом аҳолига хизмат кўрсатаёпти. Айниқса, замонавий типда барпо этилган умумтаълим мактаби биноси намунавий кишлоқ уйларига узукка

Мен мулкдорман!

Мустақиллик шарофати билан орзуим ушалди: мулкдор бўлдим. Бугунги кунда фермер хўжалигимиз тасарруфидида 175 гектар экин майдони бор. Ўтган йили пахтадан ҳам, галладан ҳам мўл ҳосил кўтариб, яхшигина даромад олдик.

Дил сўзи

олдин бир оддий деҳқон фарзанди шунча ерга, шунча мол-мулкка эгаллик қилади, деса, ким ҳам ишонарди?!

Истиқлол бизга жуда кўп нарса берди. Асосийси, қулочимизни кенг ёзиб ишлаш, дилимиз қатигади орзу-армонларимизни рўёбга чиқариш имкониятини яратди. Ўзимизга бўлган ишончимизни оширди. Қўли-



Баҳром ЭШНИЁЗОВ, Хатирчи туманидаги «Истиқлолнинг 10 йиллиги» фермер хўжалиги раҳбари.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 22.50

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мусахҳчи — С. Исмолов. 1 2 3 4 5